Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 25 май, № 102 (8725) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли фарзандларим!

Бугун ўз билим ва истеъдоди, куч-ғайратини Янги Ўзбекистон бунёдкори, жонажон юртимизга муносиб фарзанд бўлишдек эзгу мақсадга бахш этишга бел боғлаган сизлар каби навқирон ёшларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатаётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Меҳрибон устозларингиз ва ота-оналарингиз сизларга оқ йўл тилаб турган мана шу қутлуғ кунда мамлакатимиздаги барча мактабларда “сўнгги қўнғироқ”лар жаранглаб, сиз каби минглаб ёшларимиз катта ҳаётга йўлланма олмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, бугун сизлар улкан имкониятлар тақдим этадиган бутунлай янги ҳаёт остонасида турибсиз. Бу йўлда тинимсиз изланиб, янги марралар сари талпиниш, дадиллик ва ўзингизга қатъий ишонч ҳисси доимо ҳамроҳингиз бўлиши лозим.

Ҳамиша ёдингизда тутинг, ҳар бирингиз ўзига хос истеъдод соҳибисиз, уларни рўёбга чиқариш эса аввало ўзингизга, тинимсиз интилиш ва изланишларингизга боғлиқ.

Шу ўринда сизнинг сафингизда ўқишни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлаётган юзлаб ўғил-қизларимиз борлигини таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистон ёшлари турли фанлар, спорт, санъат ва адабиёт соҳаларида ўзининг чуқур билим ва қобилиятини яққол намоён қилишмоқда.

Ҳаётда юксак марраларни кўзлаб турган бундай серғайрат ва билимдон фарзандларимизни юртимиздаги миллионлаб ўғил-қизларимизга ўрнак қилиб кўрсатсак, арзийди.

Мамлакатимизда навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Чунки жонажон Ватанимизнинг келажаги, унинг тақдири ва тараққиёти бугун шинам синфхона ва аудиторияларда қунт билан таълим олаётган ёшларнинг қўлида. Улар эртага Ўзбекистонни янада кучли, ривожланган ва бахтли давлатга айлантириш учун ўзларининг бор билими, иқтидори ва куч-ғайратини сафарбар қилса, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Айни пайтда мамлакатимиздаги кўплаб замонавий олийгоҳлар, касб-ҳунар мактаблари ва техникумлар битирувчиларни ўз бағрига чорламоқда. Бу масканларда уларнинг таълимни давом эттириб, янада чуқурроқ билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Азиз ўғил-қизларим!

Сизлар жонажон Ватанимиз шонли тарихининг бир қисми, ўз маданияти ва анъаналарини асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган буюк халқнинг дилбандлари, Янги Ўзбекистоннинг умиди ва таянчи ҳисобланасиз. Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, давлатимизнинг эртанги тақдири, унинг равнақи ва тараққиёти сизларнинг қўлингизда.

Ҳеч қачон орзу қилишдан тўхтаманг, катта мақсадлар йўлида имкониятларингизни синаб кўришдан, бу йўлда хато қилиш ва улардан сабоқ олишдан қўрқманг. Чунки халқимиз сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Сизларнинг янги ғоя ва ташаббусларингиз, иштиёқингиз ва кучингиз нафақат Ўзбекистонни, балки бутун дунёни ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадингиздан ортга чекинманг.

Ҳар бирингиз устозларингиз ва ота-онангиз қалбингизга сингдирган қадриятларга ҳамиша содиқ бўлиб, халқимизнинг бебаҳо меросини янада бойитишга, юртимизнинг ёруғ келажагига ҳисса қўшишга интилинг.

Биз жаҳонга илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Уларга хос бўлган ноёб хусусиятлар, улар яратган анъаналар бугун ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда ва ҳаётимизда яшамоқда.

Эндиликда биз ана шу буюк аждодларимизнинг чинакам давомчилари бўлган қалби қайноқ ёшларимизнинг юксак маънавий ва интеллектуал салоҳияти, уларнинг дунёни лол қолдирувчи ютуқлари билан ҳам фахрланишга ҳақлимиз.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда юксак натижаларга эришиш учун тинимсиз ҳаракат, шижоат ва жасорат талаб этилади. Сизларнинг чуқур билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни ўрганиш орқали Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишингиз ва унинг тақдири учун масъулиятни зиммангизга олишингизга ишонаман.

Бу шарафли йўлда барчангизга бахт ва омад доимо ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 26-27 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Бўлажак учрашув кун тартибидан Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари ўрин олган.

Амалий ҳамкорликни кенгайтиришга, энг аввало, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, инновацион ҳамкорлик дастурларини қўллаб-қувватлаш, фаол маданий-гуманитар алмашинувни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунлари бўйича икки томонлама ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этадилар.

Ташриф арафасида Тошкент шаҳрида бир қатор қўшма тадбирлар — етакчи муҳандислик-техника олий ўқув юртлари ректорларининг учрашуви, тиббиёт илмий-амалий конференцияси ва Рус санъати ҳафталиги бўлиб ўтаётганини таъкидлаш жоиз.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва давлат гранти ажратиш механизмларини такомиллаштириш, ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, кадрлар тайёрлашни иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига манзилли йўналтириш мақсадида:

1. Олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва жойлаштириш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2024/2025 ўқув йили қабулидан бошлаб:

давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, **бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш** тартиби жорий этилади, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно;

давлат буюртмаси бўйича квоталар тақсимотида муҳандислик, **тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар билим соҳаларига устуворлик берилади**;

давлат олий таълим муассасалари учун ўрнатилган тартиб ва шартлар бўйича талабалар қабулини амалга оширувчи **олий таълим ташкилотларига давлат буюртмасининг тақсимотида иштирок этишга рухсат этилади**. Бунда тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича бир талаба учун ажратиладиган маблағ молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан ошмаган ҳажмда молиялаштирилади;

давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади;

олий таълим ташкилотлари моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-методик таъминотига мувофиқ, кейинги ўқув йили учун ўз қабул параметрларини шакллантиради ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этади;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги олий таълим ташкилотлари қабул параметрлари асослилигини ўрганади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) киритади;

Давлат комиссияси олий таълим ташкилотлари, таълим шакллари ва тиллар кесимида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича умумий қабул параметрларини, имтиёзга эга абитуриентлар учун қўшимча қабул параметрларини, мақсадли қабул квоталарини ҳамда магистратура мутахассисликлари қабул параметрларини давлат гранти ва тўлов-контрактга ажратган ҳолда олий таълим ташкилотлари ва тиллар кесимида тасдиқлаб, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тақдим этади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир таълим йўналиши бўйича олий таълим ташкилотининг умумий қабул параметрига нисбатан давлат гранти квотасининг улуши таълим соҳалари (бакалавриат таълим йўналишлари) кесимида Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади;

в) 2025 йилдан бошлаб **давлат буюртмаси параметрлари** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан шакллантириладиган олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда **4 йиллик давр учун тасдиқланади**.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМИДИ ВА ТАЯНЧИ

Бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабида “сўнгги қўнғироқ” садолари янграб, 2023/2024 ўқув йили якунланади. Жонажон мактабларини тамомлаётган 400 мингга яқин ёшлар катта ҳаётга йўлланма олади. Бошқа ўқувчилар яна бир синф юқорилайди.

Ҳар бир инсоннинг энг беғубор, соф, ўй-ташвишсиз ўтган дамлари, хотиралари болалик, айниқса, мактаб даври билан боғлиқ. “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир”, дейди доно халқимиз. Камолот сари ташланган биринчи қадам — айнан ўқувчилик йилларида олинган таълим ва тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёс.

Таълим

Шу маънода, юртимизда ўқувчи ёшларнинг илм олиши, баркамол бўлиб вояга етиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Асосийси, таълим тизимидаги ислоҳотларнинг ҳаммаси халқимиз фикрини ўрганган ҳолда ота-оналар, ўқитувчи ҳамда мураббийлар, шунингдек, ўқувчиларнинг ташаббус ва таклифлари асосида ҳаётга кўчяпти.

Кейинги йилларда таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларни кўпроқ ўқув-тарбиявий жараёнга жалб этиш мақсадида ортиқча қоғозбозликдан халос этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” деган шиор асосида мактаб таълимини ривожлантириш, юксак чўққилар сари олиб чиқиш умумхалқ ҳаракатига айланди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактабларда ўз фарзандини ўқитиш истагидаги ота-оналар, ушбу таълим масканларида таҳсил олишни хоҳловчи ўғил-қизлар сафи борган сайин ошмоқда. Умумтаълим мактабларида ўқиётган ёшларимиз ҳам ихтисослаштирилган билим даргоҳлари ўқувчиларидан асло кам эмаслигини исботлашга интилмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Жорий ўқув йили ҳам янгиликларга бой ва ўзгача шукуҳда ўтди. Юртимиз бўйлаб янги мактаблар қурилди, аксарияти таъмирланди.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим масканлари ва уларда билим олаётган ўқувчилар сони кўпайгани ҳар қандай кишини қувонтиради. Бу йил республикамиз бўйлаб мактаблар сони 10 163 тага, уларда камол топаётган ўғил-қизлар сони эса 6 миллион 476 минг 91 нафарга етди.

4

Ташриф олдидан

Ўзбекистон — Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 26-27 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юксак даражасини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки бу Россия раҳбарининг мамлакат Президенти этиб қайта сайланганидан кейин амалга ошираётган хорижий ташрифларининг дастлабкиларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Россия стратегик шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 20 мартда ўрнатилган. 2005 йилда икки давлат Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани, 2022 йилда эса Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади.

Икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган илиқ ва дўстона муносабатлар турли кўринишдаги мунтазам алоқалар ҳамда телефон орқали мулоқотлар билан қўллаб-қувватланиб, сиёсий мулоқотни фаоллаштириш ва барча соҳада ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда 370 дан ортиқ ҳужжатлардан иборат мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ўзбек ва рус халқларининг тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали шерикликни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлаётир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил май ойи бошида Россияга амалий ташрифи ва Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг юбилей йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари сифатида иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

2

Ҳамкорлик

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида аёлларнинг роли: рақамли, ижтимоий ва экологик инновацияларни илгари суриш учун етакчилик” мавзуидаги Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти йиғилишида иштирок этди.

Анжуманда Марказий Осиё давлатлари парламентларининг аъзолари, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари, давлат органлари, халқаро ва нодавлат ташкилотлари, бизнес ва эксперт ҳамжамиятлари вакиллари қатнашди.

2021 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мулоқот минтақадаги етакчи аёллар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим платформа ҳисобланади. 2021 — 2023 йилларда мулоқотга Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон раислик қилган.

Тадбирда “Креатив иқтисодиёт: Марказий Осиёнинг инноватор ва ихтирочи аёллари — янги ечимлар”, “Яшил” иқтисодиёт: ижтимоий ва экологик инновацияларни илгари суришда аёлларнинг роли” ҳамда “Рақамли иқтисодиёт: аёллар ва рақамли ечимлар” каби мавзулар кўриб чиқилди.

Ушбу йўналишларда минтақавий ҳамкорлик юзасидан таклифлар қизғин муҳокама қилинди, давлатлардаги ижобий тажрибалар билан ўртоқлашилди ҳамда биргаликда амалга ошириладиган чоралар юзасидан келишиб олинди.

Шунингдек, тадбир якунида иштирокчилар томонидан Қирғизистон раислиги даврида 2024 йилга мўлжалланган Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон:

ПАРЛАМЕНТЛАР ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ФАОЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Бишкек шаҳрига амалий ташрифи давомида Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши Торағаси Нурланбек Шакиев билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида икки давлат ўртасидаги яқин қўшничилик, вақт синовидан ўтган стратегик ҳамкорлик муносабатларининг бугунги кундаги юксак даражасига тўхталиб ўтилди. Бунда икки мамлакат Президентларининг қатъий сиёсий иродаси ҳамда очиқ ва ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатлари муҳим пойдевор бўлаётгани эътироф этилди.

Учрашув давомида парламентлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия ишини фаоллаштириш, парламент назорати институтидан самарали фойдаланган ҳолда олий даражадаги келишувлар ижросини таъминлашга кўмаклашиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Шунингдек, икки давлат чегараолди вилоятлари раҳбарлари Кенгаши тадбирларида маҳаллий депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Учрашув сўнгида томонлар халқаро парламентлараро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 25 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офисининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотлари талабаларига давлат грантини **ижтимоий рағбатлантирувчи грант ва таълим гранти шаклида ажратиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

а) ижтимоий-рағбатлантирувчи грант қонунчиликда белгиланган имтиёз бўйича давлат гранти асосида ва мақсадли қабул доирасида талабаликка қабул қилинган талабаларга, шунингдек, тармоқ ва соҳаларнинг, давлат органлари ва ташкилотларининг грантлари соҳиблари учун ажратилади;

б) таълим гранти давлат буюртмаси параметрлари доирасида олий таълим ташкилотига қабул қилинган талабалар учун ажратилади;

в) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат ва магистратурага қабул қилинган **талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун** ажратилади. Бунда:

таълим гранти **биринчи курсда** олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ **кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабаларга ажратилади**;

таълим гранти иккинчи ва ундан кейинги курсларда **юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва ижтимоий фаол талабалар** орасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади;

таълим гранти табақалаштирилган тартибда молиялаштирилади ва **стипендия фақат тўлиқ таълим грантини ютган талабаларга тўланади**;

ижтимоий-рағбатлантирувчи грант соҳиби бўлган талабаларга давлат гранти уларнинг ўқиш даври учун тўлиқ ҳажмда тақдим этилади;

таълим гранти асосида таҳсил олган талабаларнинг ўқишни тамомлаганларидан сўнг камида **3 йил ишлаб бериш мажбурияти бекор қилинади**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишнинг минимал ўтиш бали тегишли бакалавриат таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ўтиш балларини ҳисобга олган ҳолда Давлат комиссияси томонидан белгиланади;

б) ҳудудлар, соҳалар ва тармоқларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун давлат буюртмаси параметрлари доирасида **мақсадли қабул квоталари** ажратилади. Бунда:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари мақсадли қабул буюртмачилари ҳисобланади ҳамда кадрларга бўлган ўз эҳтиёжларини Давлат комиссиясига тақдим этади;

ҳудудлар кесимида мақсадли қабул тегишли ҳудудда доимий яшайдиган (доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган) ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган абитуриентлар орасида танлов асосида амалга оширилади;

мақсадли қабул квотаси доирасида талабаликка тавсия этилган фуқаро билан манфаатдор туман (шаҳар) ҳокимияти, соҳавий давлат органи (ташкилоти) ва олий таълим ташкилоти ўртасида тўрт томонлама шартнома тузилади. Бунда талабани иш билан таъминлаш ва унинг ўқишни якунлагандан сўнг муайян ҳудудда (ташкилотда) ишлаб беришини мониторинг қилиш кадр буюртмачиси зиммасига юкланади;

в) 2024/2025 ўқув йили қабулидан бошлаб олий таълим ташкилотларининг бошқа таълим шаклларига умумий қабул параметри кундузги таълим шакли учун белгиланган қабул квотасидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

4. Белгилансинки, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига қабул қилишда хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатлар қуйидаги даражаларда талаб этилади:

хорижий тиллар йўналишлари бўйича — камида **С1 даражасида**;

гуманитар, биологик ва турдош фанлар, математика ва статистика, бизнес ва бошқарув, ҳуқуқ, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва хулқ-атворга мансуб фанлар, журналистика ва ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари таълим соҳалари бўйича — камида **В2 даражасида**;

бошқа таълим соҳалари ҳамда маданият ва спорт мутахассисликлари (ихтисосликлари) бўйича — камида **В1 даражасида**.

5. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига (касб-ҳунар мактаби бундан мустасно) қабул қилиш бўйича имтиҳонлар **“аввал тест, сўнг танлов”** тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилиши белгилансин. Бунда:

а) абитуриентлар ўз танловига кўра тест синови натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишларига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади;

б) давлат олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул жараёни қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда абитуриентлар ҳар йили **5 июндан 25 июнга қадар** (25 июнь куни ҳам) тест синови топшириш учун рўйхатдан ўтади ҳамда тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини ҳамда кириш имтиҳонлари таркибида касбий (ижодий) имтиҳон бўлса, ушбу имтиҳонни топширадиган давлат олий таълим муассасасини танлайди. Бунда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ягона касбий (ижодий) имтиҳонлар дастурлари ва баҳолаш мезонлари тегишли вазирликлар (идоралар) томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари июль-август ойларида ўтказилади;

иккинчи босқичда абитуриентлар тест синовлари тўлиқ якунланганидан сўнг **15 кун** давомида олий таълим муассасаси, бакалавриат таълим йўналиши ва таълим шаклини танлайди;

в) 2025/2026 ўқув йили қабулидан бошлаб фанлар мажмуасида чет тили биринчи фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига қабул хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга оширилади;

г) барча давлат коллеж ва техникумларига **“аввал тест, сўнг танлов”** тамойилига мувофиқ қабул қилишда абитуриентлар коллеж ва (ёки) техникумни, касб ва мутахассисликни ҳамда таълим шаклини олий таълим муассасаларига қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг **10 кун муддатда танлайди**.

6. Белгилаб қўйилсинки:

имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка тавсия этиш учун асос бўлувчи имтиёзга эга абитуриентлар Давлат комиссиясининг қарорига асосан таълим шаклидан қатъи назар, рўйхатдан ўтишда имтиёз амал қиладиган доирада танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналишига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

алоҳида қабул параметрлари доирасида танловда иштирок этиш учун асос бўлувчи имтиёзга эга абитуриентлар (ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шаҳарчалари, SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйларининг битирувчилари бўлган етим болалар, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар (йигирма беш ёшга тўлмаган) бундан мустасно) улар учун ажратилган алоҳида қабул параметрлари доирасида, танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этади;

алоҳида қабул параметрлари доирасида танловда қатнашиб, талабаликка тавсия этилмаган абитуриентлар рўйхатдан ўтишда танланган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича умумий тартибда танловда иштирок этади;

халқаро спорт мусобақалари ғолиблари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишларига спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатъий риоя қилинган ҳолда имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

имтиёз билан давлат гранти асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентга ушбу имтиёздан такроран фойдаланишга рухсат этилмайди;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим тўлов-контракт асосида амалга оширилади, шунингдек, олий таълимнинг тегишли босқичига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган талабага иккинчи марта таълимнинг ушбу босқичи учун давлат гранти ажратилмайди;

олий таълим муассасалари, олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари ҳамда ҳарбий-академик лицейларга ўқишга киришда имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг ягона базаси ҳар йили 1 июнга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус ахборот тизимига киритиш орқали шакллантириб борилади.

7. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳар йили 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, кўзи ожизларнинг маълумотлар базасини ногиронлик гуруҳини аниқ кўрсатган ҳолда шакллантирсин ҳамда уни Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

8. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Савдо-саноат палатаси ва иш берувчилар уюшмалари билан биргаликда:

2024 йил якунига қадар меҳнат бозорида кутилаётган ўзгаришларни илмий тадқиқ қилган ҳолда ўз аҳамиятини йўқотиб борадиган ҳамда янги пайдо бўладиган касблар (лавозимлар) рўйхати, уларга қўйиладиган малака талаблари ва компетенцияларни шакллантирсин;

2025 йил 1 майга қадар жамланган маълумотлар асосида **“Ўзбекистон янги касблар атласи” электрон платформаси** яратилишини ҳамда ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси билан биргаликда уч ой муддатда:

таълим грантини олий таълим ташкилотлари талабаларига табақалаштирилган тартибда бир ўқув йили учун ажратиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

ҳудудлар, соҳалар ва тармоқларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мақсадли қабул квоталарини шакллантириш, қабул жараёнларини ташкил этиш ва кадрлар буюртмачиларининг аниқ вазифаларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А.Шарипов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 24 май

Ўзбекистон — Россия:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

1 Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Россия нафақат икки томонлама асосда, балки халқаро тузилмалар — БМТ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа глобал ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилаётганини таъкидлаш керак.

Бугун расмий Тошкент ва Москва ўртасида барча даражадаги жадал ҳамда кенг кўламли мулоқотлар фаол давом этмоқда. Бош вазирлар даражасида қўшма комиссия, ҳукуматлараро комиссия ва унинг қуйи қўмиталари фаолият кўрсатмоқда, идоралараро ва парламентлараро ҳамкорлик, иқтисодий ва ҳудудлараро алоқалар кенгаймоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати ва Федерал Мажлис Федерация Кенгаши ўртасидаги яқин алоқалар доирасида юқори палаталар раисларининг учрашувлари, жумладан, турли халқаро тадбирлар доирасида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги самарали алмашинувлар тизимли асосда ривожланиб бораётир. ТИВ раҳбарияти доимий равишда икки томонлама учрашувлар ўтказмоқда, шунингдек, халқаро тадбирлар доирасида мулоқот ташкил этиляпти. Бундан ташқари, икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланган.

Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссия ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятидаги конструктивлик ушбу йўналишдаги ўзаро алоқаларнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беряпти.

Сиёсий мулоқотларнинг мунтазам аҳамият касб этаётгани иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилаётир. Бу, ўз навбатида, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ўсиши, иқтисодиётнинг турли тармоқлари инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти.

2023 йил якунларига кўра икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 10 миллиард долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь — апрель ойларида бу кўрсаткич қарийб 3,8 миллиард долларга етиб, 30 фоиздан зиёдга ўсди.

Ўзбекистонда Россия корхоналари сони ҳам ортиб бормоқда. Юртимизда рус капитали иштирокидаги 2850 дан ортиқ корхоналар фаолият юритяпти. 2023 йил 4 октябрь куни Қозон шаҳрида III ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Форум якунлари бўйича 3,5 миллиард АҚШ долларлик битим ва шартномалар имзоланди.

Пойтахтимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси самарали майдонга айланди. Кўргазмада Россиянинг етакчи компаниялари делегацияларининг иштироки анъанавийлик касб этаётганини таъкидлаш керак.

Хусусан, жорий йил 22 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги кўргазмада Россиянинг 25 дан ортиқ ҳудудларидан вакиллар ва 400 дан зиёд хорижий компаниялар раҳбарлари қатнашди. Иқтисодий тадбир якунларига кўра, умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини, жумладан, 562 миллион долларлик 21 та инвестиция лойиҳасини ва бир миллиард доллардан ортиқ бўлган 231 савдо шартномасини амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Бой ва ранг-баранг маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон бугунги кунда Россия университетларининг хорижий филиаллари сони бўйича етакчи ҳисобланади.

Анъанага кўра сўнгги беш йилдан буён икки мамлакат олий ўқув юртлари ректорлари форуми ўтказиб келинаётгани фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Мазкур шаклдаги сўнгги мулоқот 2023 йил сентябрь ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган эди. Унда юқори технологияли ишлаб чиқаришлар учун таълимни ривожлантириш ва бугунги куннинг асосий йўналишларидан бири — илғор муҳандислик мактабларини яратиш ва бошқа долзарб мавзулар муҳокама қилинди. Шунингдек, иштирокчилар энг мураккаб муҳандислик масалаларини ҳал этишга қодир, замонавий билимларни эгаллаган жаҳон даражасидаги мутахассисларни тайёрлаш масалалари хусусида фикр алмашдилар. Конференция якунлари бўйича Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртлари ўртасида бир қатор муҳим битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2023 йил 6 — 30 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида татаристонлик мутахассислар иштирокида “Ўзбекистон — Татаристон саломатлик ойлиги” ўтказилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тадбир доирасида россиялик онкология, гинекология, болалар хирургияси, катталар ва болалар нейрохирургияси бўйича мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасбларига республика аҳолисини текшириш ва ташхислашда ёрдам берди.

Ўзбекистон ва Россия дўстона муносабатларини мустаҳкамлашда спорт дипломатияси муҳим аҳамият касб этяпти. Мамлакатларимиз спортчилари ўртасида турнирлар ва мусобақалар ташкил қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон делегацияси 2024 йил 21 февраль — 3 март кунлари Қозон шаҳрида бўлиб ўтган биринчи “Келажак ўйинлари” халқаро мусобақасида муносиб иштирок этди. Бундан ташқари, “Париж — 2024” ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаларини қўлга киритган боксчиларимиз 14 — 18 май кунлари Хабаровск шаҳрида ўтган Константин Коротков хотира турнирида қатнашди.

Бўлажак спорт тадбирлари жадвали ҳам хилма-хил. Масалан, 2024 йилнинг 11 июнидан 24 июнига қадар Қозон шаҳрида VI БРИКС халқаро спорт ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада Ўзбекистон атлетлари спортнинг 30 тури бўйича иштирок этади.

Икки халқнинг тарихий алоқалари ва маданий ўзаро боғлиқлиги сайёҳлик алмашинувининг ошишида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистонга 750 мингдан ортиқ россиялик сайёҳлар ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида бу кўрсаткич 130 мингдан кўпайди.

Маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари ҳам фаол қўллаб-қувватланяпти. Ўзбекистон ва Россия театрларининг ижодий сафарлари, икки мамлакатнинг “Маданият кунлари” биргаликда ташкил этилмоқда. Россия ижодий жамоалари Ўзбекистонда анъанавий тарзда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент халқаро кинофестивали каби йирик тадбирларда фаол қатнашаётгани қувонарлидир.

> Сиёсий мулоқотларнинг мунтазам аҳамият касб этаётгани иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилаётир. Бу, ўз навбатида, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ўсиши, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти.

Албатта, бир мақола доирасида Ўзбекистон ва Россия ўртасида жадал ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг бутун хилма-хил кўламини қамраб олиш қийин. Бироқ бир нарса аниқ — томонлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тарафдори. Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга бўлажак давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва халқларимиз манфаати йўлида аввал эришилган келишувларни жадаллаштиришга кучли суръат бағишлаши, шубҳасиз.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИ ВА САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Пекин шаҳрида жойлашган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) бош қароргоҳида Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда ОИИБ раҳбарияти ва ходимлари, Хитойдаги дипломатик корпус, ОАВ вакиллари ва ватандошлар иштирок этди.

Биз ва жаҳон

«Дунё» ахборот агентлиги хабар беришича, ОИИБ президенти Цзинь Лицюнь ўз нутқида жорий йилнинг январь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг банк бош қароргоҳига ташрифи ва унинг доирасида бўлиб ўтган учрашув Ўзбекистон ҳамда ушбу молия муассасаси ўртасидаги ҳамкорликда муҳим тарихий воқеа бўлганини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон ОИИБ ҳамкорлари орасида энг фаол давлатлардан бири экани ва мамлакатимизда банк кўмагида кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилгани билдирилди.

Иштирокчилар юртимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан танишдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар, сайёҳлар учун яратилаётган шароитлар юзасидан маълумот берилди ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг туризм имкониятларига бағишланган видеороликлар намойиш қилинди.

Тадбир давомида Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинмаси санъаткорлари томонидан куй-қўшиқлар, хусусан, “Лазги” рақси ижро этилди. Миллий ўзбек ҳунармандлик маҳсулотлари, Ўзбекистон маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий асарлар кўргазмаси ва миллий таомлар фестивали уюштирилди.

Маълумот учун айтиш жоиз, 2014 йил 24 октябрда ташкил этилган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки халқаро молиявий ташкилот ҳисобланади. Унинг бош қароргоҳи Пекин шаҳрида жойлашган. 2016 йил 1 январдан буён ОИИБ президенти лавозимида Цзинь Лицюнь ишлаб келмоқда. Мазкур ташкилотга 105 мамлакат аъзо. Унинг асосий мақсади Осиё минтақасида инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Людгер ШУКНЕХТ,
ОИИБ вице-президенти:

— Бугун ОИИБда Ўзбекистон маданий ҳаётига бағишланган тадбирда қатнашганимдан жуда мамнунман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ОИИБнинг энг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади ва мамлакатда банк иштирокида кўплаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида Ўзбекистон маданияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Иштирокчилар эътиборига ўзбек куй-қўшиқлари, мазали ва бетакрор миллий таомлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва нафис ишланган анъанавий либослари тақдим этилди.

ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган “Лазги” рақси ижроси йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади. Шунингдек, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий обидалари ва замонавий ҳаётини ўзида акс эттирувчи бадиий асарлар кўргазмаси бизда катта таассурот қолдирди.

Игорь ПОПКОВ,
ОИИБ инвестициялар бўйича катта мутахассиси:

— Бугун Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси томонидан ОИИБ биносида мамлакатингиз маданиятига бағишлаб унутилмас тадбир ўтказилди.

Йиғилганлар эътиборига Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ва туризм салоҳиятини намоён қилувчи бадиий асарлар, миллий куй-қўшиқ ҳамда рақслар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва мазали таомлар тақдим этилди.

Банкда турли давлатлардан келган мутахассислар ишлайди. Бундай тадбирнинг ўтказилиши мамлакатингизнинг бой маданий имкониятларини янада кенгроқ тарғиб этиш ва яқиндан ҳис қилиш имконини беради.

Мен Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик лойиҳалари йўналишида ишлайман. Ҳозирги кунда мамлакатингизда бир қанча муҳим лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ўзбекистон Судьялар олий кенгаши тақдимоти ўтказилди.

ТИББИЁТ РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар таркибида тиббиёт тизимини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш ва аҳоли учун қулайликлар яратиш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда Президент иштирокида бўлиб ўтган Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар, янги таклифлар тақдимоти мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Зеро, унда давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ривожига хизмат қиладиган қатор ғоя ҳамда ташаббуслар илгари сурилди ва долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Акс садо

Халқимиз бежиз “Саломатлик — туман бойлик” демаган. Ҳатто ҳар бир инсон ҳаётида саломатлик қанчалик аҳамиятли эканлигини таъкидлашга ҳожат йўқ. Қолаверса, инсон саломатлиги нафақат унинг ўзи учун, айни чоғда бутун жамият учун манфаатлидир. Шундан келиб чиқиб охирги бир неча йилда юртимизда тиббиёт соҳасини кенг ислоҳ қилишга йўналтирилган дастурлар ва тизимли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кейинги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми 5,9 триллион сўмдан 33,5 триллион сўмга, яъни 6 баробар ошганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Тақдимотда соғлиқни сақлаш соҳасига доир туб ислоҳотлар, айниқса, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳамда бирламчи бўғинларнинг фаолиятини янада жадаллаштиришга алоҳида урғу берилди. Бу бежиз эмас. Таҳлилларга кўра соҳада аҳоли мурожаатларининг 30 фоизигина бирламчи бўғинда ҳал бўлмоқда, айрим касалликлар бўйича даволаш услуби замон талабларига жавоб бермайди, ҳалиҳамон эски усуллардан фойдаланиб келинмоқда.

Эндиликда аҳоли ўртасида кўп учрайдиган гипертония, юрак-ишемик ва сурункали ўпка хасталиклари, бронхиал астма, қандли диабет, гепатит каби 7 та касаллик гуруҳи бўйича даволаш стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланади.

Яна бир янгилик сифатида беморларга одатий текширувларни белгилаш, дорисиз даволаш юмушлари шифокорлардан ҳамшираларга ўтказилишини келтириш мумкин. Бу, ўз навбатида, поликлиникаларда беморлар ҳаракати тартибга солиниши ва шифокорларни кутиш вақтининг камайишига олиб келади.

Тақдимот чоғида тез тиббий ёрдам тизими таҳлил қилинар экан, асосий муаммо мурожаатларни касалликнинг оғирлигига қараб сараламаслик билан боғлиқ экани қайд этилди. Шу боис тез ёрдам “колл-марказ”ларида шифокор маслаҳати ҳам йўлга қўйиладиган бўлди. Бу йил Тошкент шаҳрида, келаси йилдан эса бошқа ҳудудларда парамедик ва педиатрик бригадалар ташкил қилинади, бунда тизим ходимлари қайта тайёрловдан ўтказилади.

Жорий йилдан бошлаб пойтахтимизда давлат тиббий суғурта механизми йўлга қўйилиши ҳам таҳсинга лойиқ. Эътиборлиси, бу аҳоли томонидан тўланаётган умумий солиқлар ҳисобидан бўлади ва одамлардан қўшимча бадаллар ундирилмайди.

Тиббий суғурта доирасида:

- давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситаларининг кафолатланган пакети жорий этилади;
- беморларни ўзлари бириктирилган оилавий шифокорлар орқали тор соҳа мутахассислари ёки шифохоналарга йўллаш тизими ташкил қилинади. Бунда ушбу тартибга риоя этилган ҳолдагина бепул тиббий хизматлар кўрсатилади;
- аҳолига кафолатланган пакет доирасида энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича дори воситалари электрон рецепт асосида дорихоналар орқали бепул берилади.

Ҳозирдан айтиш мумкинки, тиббий суғурта тизими бутун мамлакатимиз бўйлаб жорий этилгач кўплаб масалалар ўзининг ижобий ечимини топади.

Тақдимот давомида дориларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни шакллантириш, уларни харид қилиш ҳамда жойларга ўз вақтида етказиб бериш масалалари чуқур таҳлилдан ўтказилди. Тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини ҳамда харид жараёнларини такомиллаштириш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилгани ҳам айни муддао бўлди. Негаки, бу дори воситаларини қайсидир маънода назорат қилиш имконини беради ва пировардида истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етиб боришига замин яратади.

Ўзаро мулоқот асосида давлатимиз раҳбари томонидан яна бир долзарб масалага эътибор қаратилдики, бу барча юртдошимиз учун бирдек тегишли. Яъни жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш орқали касалликларнинг олдини олиш ҳамда одамларда ўз саломатлигига масъулият ҳиссини ошириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, ҳар ким соғлиғи ҳақида ўзи қайғурмас экан, кутилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Умуман, тақдимотда яна кўплаб ташаббус ва фикрлар илгари сурилдики, буларнинг барчаси пировардида тиббиёт соҳасини замон талаби даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Табиийки, мазкур ғояларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш мутасаддилар қаторида биз, халқ вакилларидан ҳам катта куч ва масъулият талаб қилади.

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ШАФФОФ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида бир қатор қонунлар муҳокамаси бўлиб ўтди.

Сенат қўмитасида

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти ҳамда қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, қонун ташаббускорлари, мутасадди вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўмита мажлисида дастлаб “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ваколатларига аниқлик киритиш назарда тутилмоқда. Бу эса унинг шаҳарсозлик сиёсатини мувофиқлаштиришдаги ролини кучайтиради, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни самарали бошқаришни таъминлайди.

Шунингдек, мажлисда “Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишни жиноий жазо таркибидан чиқариб, уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказиш, ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур қонун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ярашув институти доирасининг кенгайтирилишига, инсон ҳуқуқларининг янада ишончли ҳимоясига, юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлиги ошишига ҳамда жиноий жазоларнинг айрим турларини янада либераллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатасида

МУҲОКАМАДА — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

Яқинда Президентимиз Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдимоти билан танишиш жараёнида бирламчи бўғин ва тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш, дори-дармонлар харидини тартибга солиш борасида ишлаб чиқилган таклифлар атрофлича таҳлил қилиниб, ушбу йўналишда муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, хусусан, Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси томонидан асосий вазифалар, жумладан, соҳада олиб борилаётган ишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, жойларда парламент назоратини рўёбга чиқаришга оид устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда бу ҳақда батафсил сўз юритилди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, “БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш (3.1, 3.2 ва 3.7-вазифалар ижроси), хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар ҳолати” Самарқанд ва Фарғона вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, БРМнинг 3-мақсади (3.1, 3.2 ва 3.7-вазифалари) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, 2030 йилга бориб оналар ўлими кўрсаткичини учдан бирга камайтириш, чақалоқлар ва 5 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичини 2 баробар қисқартириш, жинсий ва репродуктив саломатликни сақлаш бўйича тўлиқ қамровни таъминлаш, оилани режалаштириш, қизларнинг никоҳ ёшини 18 гача кўтариш, миллий стратегия ва дастурларда репродуктив саломатлик масалаларини инобатга олиш белгилаб қўйилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича зарур ҳуқуқий асос яратилиб, мавжуд қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мисол учун, Оила кодексига киритилган тегишли ўзгартиришга кўра қизлар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди.

Йиғилишда ўтган даврда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасига оид салмоқли ишлар бажарилганига урғу берилди. Масалан, бугунги кунда 18 миллиондан ортиқ аёлларга 22,3 минг ўринга эга 229 та туғуруқхона, 18 ёшгача бўлган 11 миллиондан зиёд болаларга эса 13,3 минг ўринга эга 245 та педиатрия муассасаси хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларда Аёллар маслаҳатхоналари, Болалар бўлимлари, Пренатал скрининг хоналари, Онконазорат хоналари фаолият юритяпти. Бундан ташқари, 46 та туманлараро перинатал маркази 8 турдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Республика бўйича ҳисобга олинган ҳомиладорларда ўтказилган пренатал скрининг текшируви натижаларидан келиб чиқиб эса, 2021 — 2023 йилларда 70 мингдан зиёд ҳолатларда ҳомиласида турли нуқсонлар аниқланган аёлларнинг аксариятида ҳомиладорлик тўхатилиб, туғма ногиронлиги бор болалар туғилишининг олди олинди.

Мунозаралар давомида соҳани рақамлаштириш, хусусан, “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона” тизимларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат тиббий суғурта механизмларининг тўлиқ йўлга қўйилишини таъминлаш, оналар ва гўдаклар ўлими кўрсаткичини сезиларли даражада камайтиришга қаратилган чораларни кучайтириш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатларини бартараф қилиш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокама жараёнида тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, қонунларга соҳани рақамлаштириш, давлат тиббий суғурта механизмларини кенг жорий қилиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни тақиқловчи нормалар киритиш, ирсий ёки туғма нуқсонлар аниқланган ҳолатда ногиронлиги бор бола туғилишининг олдини олишга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БЕМОРЛАРГА «ЭЛЕКТРОН ПОЛИКЛИНИКА»ЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Сўнгги йилларда халқимиз саломатлигини асраш ва умр кўриш даражасини узайтириш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, юртимизда аҳоли соғлиғини муҳофазалаш, малакали тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, Ўзбекистонда тиббиёти ривожланган мамлакатлардаги каби энг илғор инновацион тараққиётга эришиш борасида муҳим қадамлар ташланди.

Фикр

Ишлар энг қуйидан — аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан бошланди. Дастлабки қадамлар катта мақсадларга уланди. Улар тиббиётнинг барча йўналишида сифатли ва замонавий хизмат кўрсатишни таъминлаш билан уйғунлашди.

Дарҳақиқат, кейинги етти йилда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган катта ишлар қилинди. Шу даврда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми 6 баробар оширилди. Бир пайтлар аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шароитлари бўлмаган шифохоналар бугун бутунлай янгидан таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли бирламчи ва малакали тиббий хизматлар аҳолининг кенг қатламларига кириб бормоқда. Бунинг тасдиғини биргина 2023 йилда жойларда 22 та оилавий поликлиника, 93 та оилавий шифокор пункти ва 394 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиб, бирламчи тиббий хизматлар 2 миллион 100 минг нафардан зиёд аҳолига яқинлаштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Айни чоғда соҳага давлат тиббий суғуртаси ва рақамлаштириш механизмлари билан бирга хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти ҳам кенг жорий этилмоқда. Шифохоналарни замонавий транспорт ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш даражаси кескин яхшиланди.

Тиббиёт тизимида бўлаётган ўзгаришлар ҳамда юқори малакали тиббиёт мутахассислари, ҳамшираларнинг машаққатли меҳнати туфайли юқори технологик жарроҳлик операциялари нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туманларда ҳам муваффақиятли ўтказиляпти.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, ислоҳотларни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида бу соҳада Лойиҳа офислари ташкил этилгани ҳам аллақачон самара бера бошлади. Бу, ўз навбатида, фуқаролар саломатлигини асраш, малакали тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этишда ҳам ижобий натижасини кўрсатяпти.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 21 май куни Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдимоти билан танишиш чоғида бирламчи бўғин ва тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш, дори-дармонлар харидини тартибга солиш бўйича қатор таклифлар ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди.

Биламизки, тиббиёт муассасалари етарлича рақамлаштирилмагани сабабли суғурта тизими тўлиқ ишламаяпти. Шифокорларнинг кўп вақти ҳисобот тўлдиришга кетмоқда. Шифокор қабулига ёзилиш учун вақт ажратиш, ўқиш ёки ишдан қолиб клиникага бориш, мутахассисни танлаш ва шифокор қабулига кириш учун навбатга кўпон олиш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу муаммоларнинг аниқ ечимларини белгилаб берди. Яъни Тошкент шаҳрида соҳани рақамлаштириш бўйича намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилиб, бунинг учун барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланадиган бўлди. Энг муҳими, йил якунига қадар “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” тизимлари ишга туширилади. Натижада шифокор қабулига кириш учун узоқ вақт навбат кутиб туришга ҳожат қолмайди.

Бугун вақт инсоният учун энг қимматли ресурсга айланди. Одамлар ҳар бир иши тез ва осон битишини истайди. Айниқса, шифо муассасаларида. Мазкур дастур, шубҳасиз, ортиқча оворагарчилик ва қоғозбозликларга чек қўйиб, ишларни тизимли равишда олиб боришга, шифокорларнинг беморлар учун кўпроқ вақт ажратишига имкон беради.

Аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган бундай вазифаларнинг моҳиятига эътибор қаратсак, уларнинг ҳар бирида аҳоли саломатлигини сақлашда тиббий хизмат сифатига, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларнинг ечимига қаратилганини англаб оламиз.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши эса соғлиқни сақлаш соҳасини янги босқичга олиб чиқишга, кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланишига ва фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш қулайликларини янада оширишга хизмат қилади.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП

Шу кунларда умумтаълим мактабларида навбатдаги ўқув йили якунига етмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масаласига янада жиддий эътибор қаратиш зарурлигини англатади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Шаҳноза Холмаҳаматова** бу бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилар экан, болани назоратсиз қолдирган ота-оналарнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган қонунчиликни самарали жорий этиш вақти келганини айтди.

“Йўқса, яна доимгидек ҳаммасига мактаб ёки маҳалла жавобгар бўлаверади”, дейди депутат.

Шу билан бирга, халқ вакили мактабларда ота-оналар, ўқувчилар билан бевосита ишлайдиган психолог штати мавжуд бўлса-да, уларнинг салоҳияти ёки билими минглаб ўқувчилар билан ишлай олиш даражасида эмаслигини ва бу борада ҳам тегишли чоралар кўрилиши лозимлигини таъкидлайди.

«Миллий тикланиш» ДП

Кейинги вақтларда мактаблардаги бўш ер майдонлари тадбиркорларга вақтинча фойдаланишга берилаётгани ижтимоий тармоқларда “Мактаб ерлари енг остида сотилмоқда” қабилидаги хабарлар тарқалишига сабаб бўлаётир.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси **Фарҳод Зайниев** ўз мулоҳазаларини билдириб, жамоатчилик эътирози ва хавотири ўринли эканлигини, сабаби ҳукуматнинг тегишли қарорида ижтимоий объектларни ижарага беришдан олдин ҳудуд аҳолисининг розилигини олиш, ҳеч бўлмаганда, хабардорлигини ошириш мажбурияти юклатилмаганини танқид остига олди.

“Маҳалла аҳолиси ўз ҳудудидаги таълим муассасасидаги бўш ер майдони қандай асослар ва шартларда ижарага берилаётганидан хабардор қилинмаганидан кейин, нохолис ва ҳақиқатга зид хабарлар, хавотирлар кўпайиши табиий ҳол. Шунинг учун ижтимоий объектларни ижарага бериш тартиб-таомилларини қонун даражасида белгилаш, қолаверса, бу жараёнда жамоатчилик иштирокини таъминлашга эришишимиз керак. Умид қиламизки, тез орада “Давлат мулкини ижарага бериш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси парламентга тақдим этилади ва ушбу ҳужжат билан кўплаб тушунмовчиликларнинг олди олинади”, дейди депутат ўз муносабатида.

«Адолат» СДП

Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилган эди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Олтиной Мамирова** қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдириб, маиший зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилаётгани партия дастурий мақсадларига тўла мос эканини қайд этди.

“Баъзан гувоҳи бўламиз: оилавий зўравонликдан жабрланган шахслар, айниқса, хотин-қизлар тушкунликка тушиб қолишади. Оқибатда улар ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлиб, меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмай қолишади. Шу боис оилавий зўравонликдан жабрланган шахсларнинг бандлигини таъминлашда алоҳида имтиёз қўлланилишини фракциямиз аъзолари бир овоздан қўллаб-қувватлайди”, деди депутат.

ЎзХДП

Шу ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдимоти билан танишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Қизилгул Қосимова** тақдим этилган лойиҳалар партия электорати вакиллари манфаатига мослигини эътироф қилди. Хусусан, 2024 йилда пойтахтимизда давлат тиббий суғурта механизмлари аҳоли томонидан тўланаётган умумий солиқлар ҳисобидан жорий этилиши ва одамлардан қўшимча бадаллар ундирилмаслиги партия аъзолари ва хайрихоҳларини қувонтириши таъкидланди.

“Айниқса, давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситаларининг кафолатланган пакети жорий этилиши халқимизнинг эҳтиёжманд қатлами оғирини енгил қилади, деб ўйлайман. Биз, депутатлар жойларда бу борадаги ислоҳотларни халқимизга етказишда ҳамда назоратини юритишда фаол иштирокчига айланмоғимиз лозим”, деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси

Баъзан ижтимоий тармоқларда қаровсиз қолган ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабат акс эттирилган хабар ва лавҳалар кўзга ташланиб туради. Бундай ҳолатларнинг тез-тез учраши ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун белгиланган жазо чораларини кучайтиришни, бу борадаги қонунчиликни қайта кўриб чиқишни тақозо этаётир.

Ушбу оғриқли мавзу бўйича Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Ислом Хушвақтов** партия позициясини билдирар экан, бу каби ҳолатларга дуч келинганида унинг сабабларини аниқлаш ва бартараф қилишга етарлича эътибор қаратилмаётганини таъкидлади.

“Шу боис биз, депутатлар ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилишга қаратилган бутунлай янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик ва ҳозирда лойиҳа жамоатчилик вакиллари, масъулларнинг таклиф-тавсиялари асосида маромига етказилмоқда”, деди депутат.

«Халқ сўзи».

Наманганда «Академик ва ёшлар: илм-фан тараққиётини ёшлар яратади» мавзуида академиклар ва ёшлар конгресси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 25 май

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

Яқинда БМТ томонидан “25 май — Бутунжаҳон футбол куни”, деб эълон қилинди. Сананинг бундай номлангани 1924 йил 25 майдаги Париж ёзги Олимпиадаси билан боғлиқ бўлиб, бу йил тарихдаги мазкур биринчи халқаро футбол турнирининг 100 йиллиги кенг нишонланади.

Қайд этиш жоизки, юртимизда ҳам ушбу спорт турига эътибор кучаймоқда. Яшил майдонларда тўп сураётган футболчиларга яратилаётган шароитлар кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Қувонарлиси, олиб борилаётган ишлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси яқинда Қатар давлатида футбол бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё кубоги мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, шу йил ёзда Парижда ўтказиладиган Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Бугун — Бутунжаҳон футбол куни

Темур КАПАДЗЕ, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ва «Олимпик» футбол клуби бош мураббийи:

— Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё кубоги мусобақаларида тарихий натижага эришишимизда халқимиз дуоси ва қўллаб-қувватлаши бизга катта далда бўлди. Бунда барчанинг ҳиссаси бор, албатта.

Тўрт йил давомида мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрдик. “Олимпик” футбол клубининг ташкил этилгани ҳам бизга бу борада кўплаб имкониятларни тақдим қилди. Натижада футболчиларимиз ҳар томонлама кучайди, маҳорати ошди. Клуб мана, уч йилдирки, суперлигада ўйнаяпти. Терма жамоамиз Осиё чемпионатида нисбатан ёш таркиб билан вицечемпионликни ҳам қўлга киритди. 1994 йилги чемпионликдан бери медаль олинмай келинаётган Осиё ўйинларида ҳам 3-ўринга сазовор бўлдик. Умуман, жамоавий ўйинларда совриндор бўлишнинг ўзи ғалабага тенг.

Яқинда эса олдимизга қўйган мақсадларимиздан яна бири амалга ошди. Яъни терма жамоамиз “Париж — 2024” Олимпиада ўйлланмасига эга бўлди. Ушбу мусобақага тайёргарлик жараёнлари Осиё чемпионати тугамасданоқ, яъни йўлланмани қўлга киритишимиз билан бошланганди. Яқин кунларда Мали ёшлар терма жамоаси билан иккита ўртоқлик учрашувимиз бор. Олимпиада баҳслари олдидан Францияда Янги Зеландия ёшлар терма жамоаси билан куч синашиш режалаштирилган. Ушбу беллашувлар муҳим ўйинлар олдидан футболчиларнинг жисмоний имкониятларини яна бир бор кўрикдан ўтказишимизда, ёшларимизнинг эса Европа яшил майдонларига кўникишида муҳим аҳамиятга эга.

Ишонамизки, бизни янги марралар, улкан зафарлар кутиб турибди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Футболчиларимизни ҳам жисмонан, ҳам руҳан юксак мақсадлар учун тайёрлаяпмиз. Жамоамиз учун шиор битта: қайси мусобақа бўлмасин, Ўзбекистон либосида тўп суряпмизми, бор кучимиз ва шижоатимиз билан ҳаракат қилишимиз шарт. Худо хоҳласа, Олимпиадада ҳам чемпион бўламиз!

Жасур ЖАЛОЛИДДИНОВ, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси сардори:

— Терма жамоамиз тарихида илк бор Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Бу натижа билан, албатта, фахрланамиз, аммо финал баҳсида мағлубиятга учраганимиз маҳорат ва тажрибамизни ошириш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз кераклигини англатади.

Президентимизнинг яқинда ижтимоий тармоқларда кенг акс садо берган “11 метрни урмагандан кейин уч кун ухлолмадим”, деган фикрини эшитиб, тўғриси, яна бир бор туйғуларим жумбушга келди. Халқимиз бизнинг ғалабамизни нақадар интизор кутганини яна бир бор қалбимдан ўтказиб, зарур хулосалар қилдим.

Шу пайтгача ҳам Ўзбекистон ёшлар терма жамоаларида юқори савияли футболчилар доим бўлган. Аммо ҳозирги олимпия терма жамоасидаги ёрқин номлар нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Баъзи сафдошларимиз дунёнинг кучли футбол клубларида тўп тепаётгани ҳам бежиз эмас. Бу уларни ҳар томонлама тобламоқда.

Яқин кунларда ёзги Олимпиада йўлида тайёргарлик йиғинларини бошлаймиз. Бу мусобақада кучсиз жамоанинг ўзи бўлмайди. Нафақат жисмоний, балки руҳий тайёргарлигимизни ҳам кучайтириш — асосий мақсадимиз. Франция яшил майдонларида нималарга қодир эканимизни кўрсатишимиз шарт. Бу мусобақада футболчиларни бутун дунё жамоатчилиги, айни пайтда ёш иқтидорлар селекцияси билан шуғулланувчи агентлар ҳам кузатади. Ўз ўйинимизни кўрсата олсак, ўзбек футболчилари учун Олимпиада ўйинлари жаҳоннинг кучли чемпионатларига ўтишига трамплин бўлиши аниқ.

Алишер АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси шифокори:

— 2023 йил Хитой давлатида бўлиб ўтган Осиё ўйинларининг нимчорак финал ўйини олдидан 16 нафар футболчимиз коронавируснинг янги тури билан оғриб қолганди. Барчасида иситма ошиши, ошқозон-ичак йўллари оғриғи кузатилди. Спорт шифокорлигидаги 30 йиллик тажрибам боис футболчиларимизни тезликда даволаб, Индонезия терма жамоасига қарши ўйинга тайёрлашга эришдик. Ўшанда мураббийларимиз “Кимни майдонга туширамиз, таркибда ўйинга тайёр 11 нафар футболчи чиқмайди”, деб хавотир олишганди. Ўша беллашувнинг қўшимча вақтларида 2 та гол уриб, ғалаба қозондик.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларининг саломатлиги қатъий назоратга олинган. Футболчиларимизнинг тиббий нуқтаи назардан антропометрик ўзгаришларини кузатиб боряпмиз. ЎФА раҳбарияти футболчиларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш мақсадида Лондон шаҳридаги дунёга машҳур “SIS” спорт озуқалари компаниясидан витамин ва спорт озуқаларини олиб берди.

Яқинда Доҳада бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё кубогида футболчиларимизда, асосан, кичик жароҳатлар кузатилди. ЎФА раҳбарияти бизни ҳозирги кунда замонавий футболда ишлатиладиган даволовчи физиотерапия тиббий аппаратлари, фармакологик дори-дармон ва витаминлар билан таъминлаган. Бундай эътибор ўз натижасини бермасдан қолмайди, деб ишонамиз. Насиб қилса, Париждаги нуфузли мусобақада жамоамиз ғолиб бўлади.

Энг муҳими, жамоада муҳит соғлом. Ҳамма ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга интилмоқда. Бизни ягона мақсад бирлаштириб турибди. Зотан, муваффақиятлар замини ана шу якдилликда, ҳамжиҳатликда, бир мушт бўлиб олдинга интилишда. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

Элёр ҲАЙДАРОВ («Халқ сўзи»).

Танлов

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳада ўз иқтидори, салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Мирзо Улуғбек жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган “Мирзо Улуғбек ворислари” республика танлови ҳам жойларда, аввламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда яқиндан кўмак бермоқда, десак, адашмаймиз.

Мазкур танлов 2022 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Ўша йили танловда иштирок этиш учун 20 мингдан ортиқ талабгорлар рўйхатдан ўтган бўлса, жорий йилга келиб ариза топширган талабгор ёшлар сони 47 мингдан ошиб кетди. Бу, албатта, йигит-қизларнинг танловга қизиқиши ва истеъдодини кўрсатишга иштиёқи баландлигидан далолат.

Бу йилги танлов ҳам ниҳоятда қизғин кечди. 2024 йилнинг март-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида танловнинг ҳудудий босқичлари ўтказилди.

Биринчи босқич юртимиздаги 206 та туман (шаҳар) кесимида ташкил қилиниб, унда жами 9 минг 796 нафар иқтидорли ёш ўз лойиҳаларини комиссия аъзоларига тақдим қилди. Ҳар бир туман ва шаҳардан 5 нафардан энг иқтидорли йигит-қиз ғолиб деб топилди ва сертификат, танловнинг 2-босқичига йўлланма ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Иккинчи босқич 14 та ҳудудда ташкил қилиниб, унда жами 1 минг 30 нафар иқтидорли ёш ўз лойиҳалари билан қатнашди. Ҳар бир ҳудуддан 20 нафардан, жами 280 нафар иштирокчи ғолиб деб топилди ва сертификат, танловнинг якуний босқичига йўлланма ҳамда пул билан мукофотланди.

Куни кеча пойтахтимизда танловнинг республика босқичи муваффақиятли ўтказилди. Иштирокчиларнинг илмий ишланмаларини баҳолаш учун олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва юқори малакали мутахассислардан иборат комиссия тузилди. Улар ёшларнинг илмий лойиҳалари ва ғоялари тақдимотларини кўриб чиқиб, 100 нафар энг яхши лойиҳа ва ғоялар муаллифини саралади. Шунингдек, турли номинациялар ғолиблари — “Келажак инноватори”, “Энг яхши прототип муаллифи”, “Энг креатив иштирокчи”, “Ижтимоий тармоқларда энг фаол иштирокчи”, “Энг қизиқарли лойиҳа тақдимоти”, “Энг долзарб муаммога ечим”, “Энг фаол иштирокчи”, “Энг фаол ўқувчи”, “Энг фаол талаба” аниқланди.

Танловнинг тақдирлаш маросими Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтди. Унда жамғарма раиси, академик Оқил Салимов, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов иштирок этиб, танлов ғолибларини табриклади.

Танлов якунида ғолибликни қўлга киритган 110 нафар ёш сертификат, эсдалик совға ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Тадбир

БЎЛАЖАК КИМЁГАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Юртимизда ҳар йили май ойининг охирги якшанбасида нишонланадиган Кимёгарлар куни — кимё саноати ва фан ходимларининг касб байрами ҳисобланади. Мазкур сана олдидан Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Тошкент кимё-технология институтида талаба-ёшлар билан учрашув ташкил этилди.

Унда Тошкент кимё-технология институтининг Ёшлар масалалари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Б. Боборажабов, институт касаба уюшма қўмитаси раиси А. Абдураҳмонов, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Н. Музаппарова, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Айни чоғда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади.

Учрашувда ёшларга тармоқ касаба уюшмаси томонидан тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар, жумладан, ёш мутахассислар, талаба ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш, маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёшларнинг фаоллигини ошириш, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2024 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ҳамда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури ижросини таъминлаш, тармоқ тизимидаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг илмий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ҳамда касаба уюшмалари кадрлар захирасини шакллантириб бориш мақсадида ўтказилган “Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши стипендияси учун” кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда ғолиблар — Тошкент кимё-технология институтининг кимёвий моддалар технологияси факультети талабаси Моҳина Муҳаммаджонова ҳамда менежмент ва профессионал таълим факультети талабаси Даврон-бек Насриддинов Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши сертификати ва стипендияси ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМИДИ ВА ТАЯНЧИ

1

— Ёшлари билимли, одобли, шижоатли ва серғайрат мамлакат юксаклик пиллапояларидан кўтарилишда қийинчилик кўрмайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муҳаббат Шаропова. — Жамиятнинг эртанги куни қанчалик нурафшон, бахтли, тўкин-сочин бўлиши ҳам айнан илмсевар авлод вакиллари билан боғлиқ. Шукрки, мамлакатимизда бугун таълим ва тарбия бирдай олиб борилмоқда. Ўқитувчи мақоми эса ҳар доимгидан кўра ошганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бир пайтлар мактабларни қишда иситиш учун кўмиру ўтин ёқар, қора тутунга тўлган хонада кўзимиз ачишиб, дилимиз оғриб болаларга сабоқ берардик. Бугун эса дарсхоналар шинам, ҳамма қулайликларга эга, биз ҳам ўзгача иштиёқ ва меҳр билан ишимизни давом эттиряпмиз.

Президентимиз томонидан мутасаддилар олдига таълим сифатини ошириш ҳамда замон талабларига мослаш асосий вазифалардан бири сифатида қўйилган. Шу асосда 500 та мактабда Президент мактабларининг баҳолаш тизими, 135 та мактабда эса танлов фанлари жорий этилгани соҳага янгича нафас киритди, десак, адашмаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг мактаб таълимини ривожлантиришга, ўқувчиларга айрича меҳр-эътиборини анъанавий тарзда умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ёшларига табрик йўллаб келаётганида ҳам яққол кўринади. Хусусан, ўтган йилги табрикда *“Сизларнинг доимо маррани баланд олиб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишингизга ишонаман. Сизлар бунга албатта қодирсиз”,* дея таъкидлагани навқирон авлод вакилларини янада руҳлантирган, янги марралар сари ундаганди.

Бу сўзлардан ўзига куч, илҳом олган ёшлар она юртимиз ҳамда халқимиз олдидаги ишонч ва масъулиятни янада теран ҳис қилиб, жорий ўқув йилида ҳам ажойиб натижаларни қайд этди. Илмга чанқоқ ва ўзига талабчан ана шундай ўқувчилар 5 та энг нуфузли халқаро фан олимпиадасида 13 та, бошқа халқаро олимпиадаларда 52 та медални қўлга киритгани сўзимизнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон 2026 йилда энг нуфузли Халқаро кимё ва Халқаро информатика олимпиадаларида мезбонлик қилиш ҳуқуқига эга бўлгани мамлакатимизда соҳада эришилаётган ютуқлар ҳамда ёшларимизнинг дунё миқёсидаги муваффақиятлари эътирофидир.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш, маҳоратини кучайтиришга қаратилган ишлар жорий ўқув йилида ҳам жадал давом этди. Пировардида 500,4 минг нафар педагог ўз тажрибасини кенгайтирди ва малака сертификатига эга ўқитувчилар сони эса 37 минг 844 нафарга етди. Шу билан бирга, 500 нафар хорижлик мутахассиснинг жалб этилгани ҳам жаҳон стандартларига мос равишда дарслар ўтиш имконини тақдим қилди.

— Ёшларни таълим олиш билан бирга ҳунарга ўргатиш ҳам долзарб масалалардан бири, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Эркин Муродов. — Жорий ўқув йилида мазкур йўналишда ҳам қатор янгиликлар амалга оширилди. Ҳаётга татбиқ қилинган ўқувчиларни касбга йўналтириш тизими бу борадаги ишларнинг пойдевори бўлди. Натижада ҳар бир туман ёки шаҳарда биттадан, жами 208 та мактабда 17 минг 82 нафар 10-синф ўқувчисига 3 та йўналишда касб-ҳунар ўргатиш имкони пайдо бўлди.

Мамлакатимиз бўйлаб 563 та мактабда қуриш-таъмирлаш ишлари амалга оширилгани ва қўшимча 118 мингта янги ўқув ўринлари яратилгани келажак авлод вакилларининг ёруғ ва шинам, замонавий жиҳозланган синфхоналарда сабоқ олиш имконини яратди. Шунингдек, 1 797 та таълим муассасасига қайта тикланувчи қуёш электр панеллари ва қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилгани, айниқса, ичимлик суви ташиб келтириладиган 53 та умумтаълим мактаби узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминлангани ҳам қатор қулайликларни тақдим этиб, қанча кўнгилларга ёруғлик олиб кирди.

...“Сўнгги қўнғироқ” садолари ўқувчиларнинг худди қалдирғочлар каби катта ҳаётга учирма бўлганидан далолат. Бугун уларнинг қалбида катта орзу ва мақсадлар чечак отган, қадамлари ҳар қачонгидан дадил, ўзига ишончи ҳам юксак. Шубҳасиз, 11 йил давомида жонажон мактабидан олган меҳри ва қадрдон устозларининг сабоқлари уларга бир умр йўлдош бўлажак.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— Ўзбек мусиқаси тарихи кафедраси: кафедра мудири – 1 ўрин;
— Оркестр дирижёрлиги кафедраси: доцент – 1 ўрин;
— Факультетлараро фортепиано ижрочилиги кафедраси: доцент – 1 ўрин;
— Концертмейстерлик маҳорати кафедраси: доцент – 1 ўрин, ўқитувчи – 1 ўрин;
— Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси: катта ўқитувчи – 1 ўрин, ўқитувчи – 3 ўрин;
— Торли чолғулар кафедраси: катта ўқитувчи – 1 ўрин, ўқитувчи – 3 ўрин;
— Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси: ўқитувчи – 2 ўрин;
— Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар кафедраси: ўқитувчи – 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

— ректор номига ариза;
— ходимлар шахсий варақаси;
— олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
— ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
— мутахассислик бўйича охирги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Б. Зокиров кўчаси, 1-уй.

Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi (ROZTM)

2013 va 2014-yillarda tug‘ilgan, umumta’lim maktablarining 4-sinfini bitirgan, tennis bo‘yicha tayyorlov guruhida kamida 3-yil shug‘ullangan, shuningdek, 2012 va 2013-yillarda tug‘ilgan, 5-sinfni bitirgan, Respublika kubok va chempionatlari g‘olibi va sovrindori bo‘lgan hamda O‘zbekiston tennis federatsiyasi reytingiga ega o‘g‘il va qiz bolalar uchun qabul e’lon qilinadi.

Hujjatlar 2024-yil 1-iyuldan 31-iyulga qadar quyidagi manzilda qabul qilinadi: 100125, Toshkent shahri, Mirzo Ulug‘bek tumani, Yalang‘och mavzesi, ROZTM.

Tanlov-test sinovlari 2024-yil 5-avgustdan boshlanadi.

To‘liq ma’lumotni Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabidan olishingiz mumkin.

Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi telefonlari: 71-208-94-96, 97-380-86-66.

O‘zbekiston Badiiy akademiyasi tasarrufidagi Respublika ixtisoslashtirilgan san’at maktab-internati 2024/2025-o‘quv yiliga 2017-yilda tug‘ilgan iqtidorli o‘g‘il va qiz bolalarni tasviriy san’at va musiqa yo‘nalishlari bo‘yicha 1-sinfga rus va o‘zbek tillarida o‘qish hamda 5-sinfga o‘zbek tilida o‘qish uchun tanlov asosida qabul qiladi.

Ariza va hujjatlar 2024-yil 1-iyundan 30-iyungacha maktab-internat binosida qabul qilinadi.

Qabul imtihonlari 2024-yil 1-iyuldan boshlanadi.

2023/2024 ўқув йилида мамлакатимиздаги 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларининг 11-синфини 400 мингга яқин ўқувчилар битирмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6